

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5220100-2.04

2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

МЕДИАТАЪЛИМ АСОСЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

- Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
- Таълим соҳаси: 220000 – Журналистика ва ахборот
- Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (*халқаро журналистика*)

Тошкент — 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Джуманова С. – ЎзДЖТУ халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

Маматова Ё.М. – ЎзМУ журналистика факультети “Матбуот” кафедраси мудири, ф.ф.д. (*турдош ОТМ*);

Остонов С. – “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана” газеталари Бош мухаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист (*кадрлар буюртмачиси*).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Медиатаълим асослари” фани доирасида бакалавр босқичи талабалари медиатаълим тушунчаси, унинг концептуал асослари, медианинг демократик жамиятда тутган ўрни борасидаги билимларини ўзлаштиради. Фан доирасида, шунингдек медиаматнларни таҳлил этиш, танқидий қабул қилиш ва яратиш, ахборот манбаларини, контекстда ахборот узатувчиларнинг сиёсий, ижтимоий, тижорий ёки маданий манфаатларини аниқлаш, медиа маҳсулотлар аҳамиятини изоҳлаш, ўз шахсий медиаматнларини яратиш ва унга қизиқувчи аудиторияни топа оладиган малакали мутахассисларни шакллантиришнинг кўзда тутати. Фан бўлғуси журналистларга медиатаълим, унинг назариялари, медиамаданият ва медиатаълим принциплари ҳақида умумий тасаввур беради, медиаматнларни ғоявий таҳлил қилиш кўникмасини шакллантиради.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад — журналистика таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларда медиатаълим тушунчаси, унинг концептуал асослари, медиатаълимнинг пайдо бўлиши демократик жамиятда тутган ўрни, шаклланиши ва тараққиёти тенденциялари тўғрисида билимларни ўргатишни кўзда тутати.

Фаннинг вазифалари– уни ўрганувчиларга:

- Медиатаълим ҳақида ташунча;
- медиатаълимнинг вазифалари, принципларини ўзлаштириш;
- медиасаводхонлик кўникмаси ва малакасини шакллантириш;
- турли ахборот таҳдидларидан сақланиш учун мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш;
- ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнида миллий менталитетимизга таянишга ўргатиш;
- глобаллашув шароитида ахборий маданият заруратини тушунтириш;
- реаллик ва репрезентациянинг мослиги ёки қарама-қаршилигини, ахборотларнинг манбаси, мақсади, фойдаланган медиа усулларни аниқлай олиш малакасини ҳосил қилиш;
- анъанавий ва электрон ОАВда узатилаётган ахборотнинг таъсирини тасаввур қилиш бўйича амалий кўникмалар шакллантириш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Медиатаълим асослари” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- медиатаълим тушунчасининг тавсифи;
- “медиамаданият”, “ахборот маданияти” тушунчаларининг талқини;
- ОАВ соҳасида медиатаълимнинг назариялари;
- медиатаълимнинг ривожланиш тарихи ва хусусиятлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
 - замонавий ахборот ва онлайн медиа технологияларини;
 - хорижий мамлакатларда медиатаълимнинг тараққиёти ва замонавий тенденцияларини;
- медиа орқали таълим бериш фаолиятининг назарий асосларини;
- медиатаълим турларини;
- медиатаълимни амалга ошириш принципларини;
- умумтаълим, ўрта махсус ҳамда касб-хунар таълими тизимида медиатаълимнинг ўрнини;
- олий таълим тизимида медиатаълимни;
- интернет глобал тармоғининг кириб келиши билан медиатаълим зарурати кучайганини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- онлайн технологиялари ва интернет сайтларида медиатаълимдан фойдаланиш;
- ижтимоий тармоқлар фаолиятида медиатаълимни ташкил этиш;
- замонавий ахборот коммуникацион технологиялари ҳамда телекоммуникация тармоқлари орқали янгича таълим бериш тизимларини шакллантириш;
- медиатаълим орқали масофавий таълимни ривожлантириш;
- медиатаълимнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Медиатаълим асослари” фани асосий мутахассислик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Жаҳон журналистикаси асослари”, “Журналистик ижод маҳорати асослари”, “Замонавий фотожурналистика”, “ОАВ тили ва нутқ маданияти”, “Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Медиатаълим асослари” фани мутахассислик фанлари сирасидан бўлиб, бугунги ахборот шиддати ва оқими кучайган бир даврда унинг амалиётдаги аҳамияти янада ортади.

Ахборий таҳдидлар кучайган бир пайтда глобал ахборот муҳитида миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи, ахборий хуружларга муносиб жавоб

берувчи, журналистика принципларидан оғишмай ҳаракат қилувчи журналистларни етиштириб беришда “Медиатаълим асослари” фани муҳим роль тутди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Медиатаълим асослари” замонавий, янги ва амалиёт билан бевосита боғлиқ фан. Уни ўқитишда аниқ вазиятлар билан ишлаш зарур. Маъруза ва семинар машғулотларида “кейс стади”, “лойихалаш” усуллари, журналистик материаллар, реклама роликлари ва кинофильмлардан парчалар намойиш этиш орқали бойитиш яхши самара беради. Ўқитувчи зарур ўринларда интерфаол ва ўйинли усулларида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Медиатаълим — замонавий ижтимоий-гуманитар фан сифатида

Медиатаълимнинг мақсади, вазифаси ва журналистика билан алоқадорлиги. Медиатаълим журналистика ва педагогиканинг долзарб масаласи сифатида. Медиа ва медиатаълимнинг замонавий дунёдаги ўрни ва роли. Глобаллашув асрида ахборотларни бошқариб, саралаб аудиторияга узатиш имкони йўқлиги. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгаяётгани. Медиатаълим медиа билан муносабатларни тартибга солиши. Медиатаълим йўналишлари.

Медиатаълимнинг асосий йўналишлари ва концепцияси.

Медиамаҳсулот — товар. Медиаолам тузилиши. Медиатаълимнинг уюшқоқлигига кўра расмий, йўналтирилган ва норасмий турлари. Медиатаълим кўринишлари: нокасбий медиатаълим ва журналистик таълим. Журналистик таълим медиатаълимнинг профессионал кўриниши сифатида. Журналистик таълимнинг умумий характеристикаси. Журналистик таълимнинг пайдо бўлиши ва бу бўйича хорижий тажриба. Журналистик таълимнинг тараққиёт тамойиллари. Ихтисослашув ва универсаллашув масаласи. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида журналистлар тайёрлаш тизимининг яратилиши ва бугунги кундаги тараққиёти. Медиатаълимнинг концептуал асослари. Медиатаълимнинг марказий концепцияси — репрезентация.

Медиатаълим тараққиётининг тарихий босқичлари

Медиатаълимнинг шаклланиш жараёни. Медиатаълимнинг ватани Францияда аудиториянинг ахборот манбаи билан муносабатларида танқидий ва мустақил тафаккурни ўстириш борасидаги тажрибаси. Буёқ Британиядаги интеграллашган медиатаълим. Бельгия, Германия Швейцария, Скандинавия мамлакатларида медиатаълимнинг ўқув дастурларига киритилиши. Канада “экрэн таълим”и. АҚШ медиатаълими ўзига хосликлари. Австралия медиатаълим модели — “коммуникатор” — “ахборот” — “канал” — “қабул қилувчи” — “таъсир”. Россияда медиатаълим куртаклари.

Медиатаълимнинг назарий асослари

Медиатаълим кўринишлари ва принциплари. Медиапедагог Л.Мастерман яратган 18та медиатаълим принципи. ОАВ — аҳолининг медиасаводхонлигини оширувчи восита. Аудиторияни суёт тингловчидан фаол фуқарога айлантириш масаласи. Босма матбуотда аҳолининг медиасаводхонлигини оширувчи материалларнинг берилиши. “Фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя, жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили.

Интернет ва медиатаълим

Интернетда медиатаълим ва медиасаводхонлик. Рақамлаштириш ва тармоқлардан фойдаланиш аста секинлик билан турли ОАВлар ўртасидаги чегараларни йўққа чиқараётгани. Босма медиалар, электрон медиалар (радио ва телевидение), Интернет, уяли телефонлар ва бошқаларнинг бир вақт ва маконда бирга мавжуд бўлиши медиа контентнинг бир платформадан бошқасига кўчиб юриши имконини бераётгани ва ахборот олиш имкониятларини ҳам кенгайтираётгани. Фуқаролар нафақат ахборот фойдаланувчилари, балки унинг тайёрловчи ва тарқатувчилари сифатида ҳам майдонга чиқадиган партисипатив маданиятни юзага келтираётгани. Интернетда мулоқот одоби. Тармоқдаги инфоэтика. Реаллик ва виртуаллик. Тармоқдаги мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. Интернетда мулоқот одоби қоидалари.

Визуал медиатаълим

Кинематограф, фотография ва санъат — аудиториянинг бадиий дидини ўстирувчи восита сифатида. Кино таълими. Медиатаълимда кино, фото, тасвирий санъат, сахна санъати ва адабиёт. Маданиятшунослик, санъатшунослик, театршуносликнинг медиатаълим билан алоқадорлиги. Визуал медиамаданият хусусиятлари. Экрэн коммуникацияси. Кино ва оила. Реклама ва медиамаданият. Визуал медиамаҳсулотларнинг аудиторияга

ижобий ва салбий таъсири. Миллий кадриятларни визуал медиа воситалар орқали аудиторияга етказиш маҳорати.

Медиамаатнларнинг дискурсив таҳлили

Дискурс ва дискурсив таҳлил тушунчалари. ОАВ матни ўз реаллигини яратувчи матн сифатида. Ахборотни саралаш ва чеклаш муаммоси. Босма матнда нутқий таъсир воситаси: ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик медиамаатнлар таҳлили. Пресуппозиция, ассерция, нутқ импликацияси ва матефора ва бошқалар. Медиамаатнлар таъсирчанлигида синтаксис бирликнинг роли. Телевизион дискурсдаги аудиовизуал ва вербаль воситалари таъсири. Телевидениенинг таъсири спецификаси.

Аудиторияга таъсир қилишнинг психологик ва технологик усуллари

Манипулятив технологиялардан аудиторияни ҳимоя қилиш. Реклама матни ва унинг изоҳи. Телерекламалар таҳлили, ТВда ахборий дастурларнинг берилиши спецификаси. Радионутқ ўзига хосликлари. Унинг аудиторияга таъсир кўрсатиш механизмлари. Радиоангиликлар таҳлили.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда медиатаълимнинг аҳамияти

Ахборот хавфсизлигининг медиатаълим тизимидаги ўрни. Ахборий хавфсизлик. Ахборотнинг эркин оқими: афзалликлари ва зиддиятлари. Ахборот супермагистраллари ва демократия. Ахборот хавфсизлиги ва миллий мафкура. Халқаро ахборот тарқатишни тартибга солиш муаммолари ва миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Ўзбекистонда миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Глобаллашув шароитида медиатаълимнинг дунёда тутган ўрни.
2. Медиа ва ахборотни яратиш ва ундан фойдаланиш.
3. Медиатаълим: хорижий тажриба.
4. Ахборий таҳдидлардан ҳимояланишда медиатаълим принципларидан фойдаланиш.
5. Интернет одоб-ахлоқи.
6. Кинонинг аудитория идеалларини шакллантиришга таъсири. Ўйинлар ижтимоий фаолият тури сифатида.
7. Медиамаҳсулотларнинг дискурсив таҳлили.
8. Манипулятив технологиялардан аудиторияни ҳимоя қилиш.

9. Медиаматнларда фойдаланилган психологик ва технологик усулларни аниқлаш.
10. Халқаро ахборот тарқатишни тартибга солиш муаммолари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Семинар машғулотларни ташкил қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Маъруза машғулотларида олган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайдилар ҳамда янада бойтадилар. Бунга жамоа ва мустақил ишлаш йўли билан эришилади. Мустақил ишлашда дарсликларни, ўқув қўлланмаларни, услубий қўлланмаларни, тарқатма ва кўргазмали воситаларидан фойдаланиш зарур.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Медиатаълим тарихи предмети ва тушунчаси ҳақидаги назарий адабиётларни кўриб чиқиш ва конспект қилиш.
- Визуал матн ёки қисқа сюжет режасини тузиш (фотография, видео, комикс, эртақ, компьютер графикаси ва ҳ.к).
- Ўз медиалойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.
- Дунё мамлакатларидаги медиатаълим тараққиётини ўрганиб уларни солиштириш мақсадида турди жадвал ва карточкалар тузиб чиқиш.
- Қиски метражли визуал медиамаҳсулотлар яратиш.
- Таниқли медиапедагоглар фаолиятини ўрганиш.
- Медианинг аудиторияга таъсири бўйича илмий тезиш ва мақолалар тайёрлаш.

“Медиатаълим асослари” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар қўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва деворий маъруза тайёрлайдилар,

амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, ижодий лойиха ва тақдимотлар тайёрлайдилар.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч”(Т.: Маънавият, 2010, 176-б) китобида бугунги глобаллашув, ҳар қачонгидан шиддатли ва мураккаб даврда ёшлар онгини асраш муаммосининг акс этиши ва бу борада ечимларнинг берилиши.
2. Медиа ва медиатеchnологиялар турлари, уларнинг инсон онгига таъсири.
3. Медиатаълим — оммавий коммуникация маҳсули сифатида.
4. ЮНЕСКОнинг медиатаълим ривожига таъсири.
5. Медиатаълимнинг кино таълими сифатида пайдо бўлиши.
6. Франция медиатаълимнинг ватани.
7. Буюк Британия медиатаълимининг ўзига хосликлари. Интеграциялашган медиатаълим.
8. Скандинавия мамлакатлари(*Финландия*, *Норвегия* ва *Швеция*)да медиатаълимнинг кинотаълими парадигмаларига кўра ривожланиши.
9. Германияда медиатаълимнинг тараққиёт тенденциялари.
10. Швейцарияда медиатаълимнинг танқидий тақаккурни шакллантирувчи мустақил фан сифатида жорий қилиниши.
11. Канадада медиатаълим куртакларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.(XX асрнинг 70 йилларидан айни кунгача бўлган давр)
- 12.М.Маклюэннинг медиатаълим тараққиётига кўрсатган таъсири.
- 13.АҚШда медиатаълим. Медиясаводхонлик видеосаводхонлик сифатида.
- 14.Австралия медиатаълими модели. («коммуникатор» – «ахборот» – «канал» – «қабул қилувчи» – «таъсир»)
15. Россияда медиатаълим ривожланиши босқичлари.
- 16.Медиатаълим кўринишлари ва принциплари.
- 17.Медиатаълимнинг марказий концепцияси — репрезентация.
- 18.Ахборий саводхонлик ва медиасаводхонлик.
- 19.Журналистик таълим медиатаълимнинг профессионал кўриниши сифатида.
- 20.Нокасбий медиатаълим хусусиятлари.
- 21.Узлуксиз таълим тизимига медиатаълимни татбиқ этиш — долзарб педагогик муаммо.
- 22.Журналистик таълимнинг умумий характеристикаси.
- 23.Журналистик таълимда ихтисослашув ва профессионаллашув.
- 24.Ўзбекистон олий таълим муассасаларида журналистлар тайёрлаш тизимининг яратилиши ва бугунги кундаги тараққиёти.
- 25.Ўзбекистонда медиатаълимни ривожлантириш истиқболлари.

- 26.Замонавий медиатаълим тараққиётининг асосий омиллари.
- 27.Глобаллашув даврида ахборий маданият зарурати.
- 28.Медиамаҳсулот турлари.
- 29.ОАВ аҳолининг медиасаводхонлигини оширувчи восита сифатида.
- 30.«Фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя, жаҳолатга қарши — маърифат» деган тамойилнинг медиамаданиятнинг асосий ғояси сифатида.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- медиатаълимнинг пайдо бўлиши, ривожланиши тараққиёт тенденциялари, турларива йўналишлари мавзуларда маъруза матнлари ва тарқатма материалларидан;
- амалий машғулотларда, хусусан, медиа ва ахборотни яратиш ва ундан фойдаланиш, ахборий таҳдидлардан ҳимояланишда медиатаълим принципларидан фойдаланиш, Интернет одоб-ахлоқи, Кинонинг аудитория идеалларини шакллантиришга таъсири, ўйинлар ижтимоий фаолият тури сифатида мавзуларини ўрганишда матнли, аудио ва визуал медиаматлардан материалларидан;
- семинар дарсларда “ақлий хужум”, “кейс стади”, “дебатлар”, “лойиҳалаш”, каби интерактив-инновацион, ўйинли технологиялар, тадқиқ ва таҳлил каби методлардан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Маматова Я., Сулаймонова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув кўлланма. — Т. “Extremum-press”, 2015. — 95б.
2. Дўстмуҳаммад Х. “Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари” Т., “Ўзбекистон” — 2005. 56 б.
3. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот мўъжиза, жозиба, фалсафа, Т.: Монография. “Янги аср авлоди” 2013, 317 б.
4. Федоров А.В. Медиаобразование: история, теория и методика. – Ростов: ЦВВР. - 708 с.
5. UNESCO, 1984. Media education. Paris: UNESCO. P. 8.

Қўшимча адабиётлар:

1. Kubey, R. (1998). Obstacles to the Development of Media Education in the United States. Journal of Communication (Winter), pp.58-69.
2. Кириллова Н.Б. Медиакультура: от модерна к постмодерну. - М.: Академический Проект, 2005. – 448 с.
3. Фатеева И.А. Медиаобразование: теоретические основы и опыт реализации. Челябинск: Изд-во Челяб. гос. ун-та, 2007. 270 с.
4. Федоров А.В. Медиаобразование и медиаграмотность. Учебное пособие для вузов. – Таганрог: Кучма, 2004.
6. Федоров А.В. Медиаобразование в зарубежных странах. – Таганрог: Изд-во Кучма, 2003. – 238 с.
7. Шарииков А.В. Так что же такое медиаобразование? // Медиаобразование. 2005. № 2. С. 77.

Интернет сайтлари:

1. www.wikipedia.org
2. www.mediaeducation.ru
3. mediascope.ru/node/83
4. www.edu.of.ru/mediaeducation
5. www.ifap.ru
6. www.mediaeducation.boom.ru
7. www.medialiteracy.boom.ru
8. www.mediaeducation.ru/publ/fedorov.shtml
9. mediareview.by.ru
10. www.Novostimira.com.
11. www.screen.com

